



**ОИЛАДА ЎСМИР ЁШИДАГИ ҚИЗЛАРНИ БУЗГУНЧИ ГОЯЛАРДАН
АСРАШДА КИТОБХОНЛИКНИНГ ЎРНИ ВА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ
ШАХС ТАРБИЯСИ**

Хафизова Умида Жўрабой қизи

Гулистан Давлат Университети магистранти.

Файзуллаева Холида Ахмаджон қизи

Гулистан Давлат Университети магистранти.

Аннотация: Ушбу мақолада оилада ўсмир ёшидаги қизларни бузгунчи гоялардан асрарда китобхонликнинг ўрни ва маънавий баркамол шахс тарбияси масалалари кўрилган.

Таянч тушунчалар: миллий тарбиямиз, урф-одатларимиз, расм-руслумлар, китобхон, мулоқот, фаолият, муносабат, шахсият, фазилат, муассаса, индивидуал, ривожланиш, ижодкор.

Ўтган йилларга назар солинадиган бўлса, ёшлар орасида китобхонлик масаласи бир мунча сусайганлигини кўриш мумкин. Бунинг субъектив ва объектив сабаблари бор деб қабул қилган ҳолда, объектив сабабларига ўтган йилларда дунё бўйича тарқалган каронавирус пандемиясини айтиб ўтиш мумкин. Шу билан биргаликда нашрдан чиқаётган бадиий китоблар ва ўқув қўлланмаларнинг озлиги ҳамда ёшлар дунёқарashi ва эҳтиёжига мос китобларнинг, жумладан жаҳон адабиётининг ўз вақтида етиб келмаслиги, тиражининг озлиги ҳамда сотиб олишга нархларнинг баландлиги сабаб қилиб кўрсатишди. Юқоридаги фикрлар доирасида ёш йигит-қизлар ўзларининг эътиrozларини билдириш баробарида таклиф ва тавсияларини ҳам билдиришди.

Энг жўяли таклифлардан бири шаҳар, туман, қишлоқлар кесимида бадиий адабиётлар сотиладиган, журнал ва газеталарни сотиб олиб ўқиш мумкин бўлган дўкон (киоск)ларни кўпайтириш масаласи кўтарилиди. Бу албатта қувонарли ҳол, демак, ёшларда ўз устида ишлаб, билим ва тафаккурини бойитишга эҳтиёж бор.

Энди оилаларда китобхонликни ўстириш масаласи ҳал этилиб борса нур устига аъло нур бўлади. Чунки барча оилаларда ҳам китоб ўқишга, мутолаага эҳтиёж кучли деб айта олмаймиз. Эҳтиёж бор десак тўғри бўлади. Юртимизда мутлақо китоб ўқимайдиган оилалар топилмаса керак. Қайси хонадонга ташриф буюрманг албатта ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг "Икки эшик орасида", "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" ва бошқа кўплаб асарларга, дунё саҳнаси (аренаси)га чиқиб улгурган Чингиз Айтматовнинг "Тўнка", "Соҳил бўйлаб чопиб бораётган олапар", "Қайдасан

"PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



Гулсара" каби асарлари, шу билан биргаликда Ўзбекистон қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовларнинг шеърий асарлари тўпламларини ўқувчилар қўлдан қоймай, севиб ўқиб бораётганликларини кўриш мумкин. Шу кеча-кундузда ёшлар Турк ёзувчиси Адем Гунешнинг "Ёш бола деманг уларни" Бола тарбиялаш санъати китобини, Чарлъз Диккенснинг "Мушкул замонлар" романини (Таржимон Хонимқул Тоҷиев.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. 352 б.) ва бошқа бадиий адабиётлар қаторида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг "Бахтиёр Оила" (Тошкент, Ҳилол-Нашр, 2018. -528 б.). О.Сафаров, М. Маҳмудовнинг "Оила маънавияти" , Ҳ.Абдукаримовнинг "Оила педагогикаси. Ўқув қўлланмаси, Тошкент, 2020 йил. Муҳаррир нашриёти, 128 б., яна шу муаллифнинг "Ижобат лаҳзаси" китоби, Муҳаррир нашриёти, 2020 йил, 60 б. каби асарларини ўқишиб, ўзаро муҳокама этишди.

Жумладан Адем Гунешнинг "Ёш бола деманг уларни" Бола тарбиялаш санъатига бағишланган китобида қиз бола тарбиясига бевосита тааллуқли бўлган қарашларнинг ёритилиши: "Боланинг ақли унутса ҳам, ҳис-туйғулари ҳеч нарсани унутмайди" ёки инсоннинг болалиги ақл билан ўрганиш эмас, балки ҳис-туйғулари билан шахсиятини шакллантириш давридир. Мисол учун бола борки, қоронғидан қўрқади. Бу боланинг ақли билан эмас, балки рухияти билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Ўсмир ёшидаги ўғил болаларга қараганда қиз болалар физиологик жиҳатдан бир мунча эрта етилишади. Шунча ҳамоҳанг сезгир, кузатувчан ва айни пайтда сиркаси сув кўтармайдиган аразчан ва йиғлоқи ҳам бўлишади. Қиз боланинг табиатига ҳос бўлган ҳусусиятлар кўп. Аммо бизнинг демоқчи бўлган фикримиз, қиз бола тарбияси ва тақдирига бефарқ бўлмасликни таъкидлаб ўтишдан иборат.

Хуроса шундан иборатки, оилада ўсмир ёшидаги қизларни ҳар хил миллий тарбиямиз, урф-одатларимиз, расм-руссумларимизга тўғри келмайдиган бузғунчи ғоялар (қиз болани оилада ижтимоий фойдали меҳнатдан узоклаштириш, оқ билак қилиб ўстириш, китоб мутолаасидан йироқлаштириш, яъни қиз болани китобхон бўлиши шарт эмас деган ноўрин ғояни илгари суриш каби омиллар) таъсирида "тарбиялаш" мутлақо онгу шуурга салбий таъсир кўрсатувчи йўл йўрик яъни усуллардан ўзга нарса эмас. Чунки қиз болани оилавий ҳаётга тайёрлаш уни ёшлигидан тизимли равишда амалга оширилиб борилмоғи лозим. Бу жараён фақатгина ота-онанинг иши бўлиб колмай, мактаб ҳам алоҳида ўринга эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Олиб бораётган тадқиқот интизомга оид изланишларимиз ўлароқ шу нарса аён бўлдики, бу борада ўрта маҳсус касб-ҳунар тизимида айниқса, педагогика коллажларида ҳам ибратли ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.



АДАБИЁТЛАР:

1. Нишонова С. Миллий қадриятлар ва баркамол инсон тарбияси, "Халқ таълими" -Т., 1999.№ 3.-16-19 б.
2. Оила ва мактабгача тарбиянинг ижтимоий-педагогик ва психологик омиллари. Мақоллар тўплами.-Гулистон, зиё, 2022.-240 б.
3. Очилов.С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари.-Т.: Ўқитувчи, 1995-207 б.
4. Тоҳир Малик. Тенг-тенги билан баҳтлидир..Т.: Шарқ, 2007. -496 б.
5. Тўрақулов Э. Раҳимов С. Абу Райхон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1992.-806.
6. Форобий А.Фозил одамлар шаҳри-Т.: Халқ мөроси, 1993-224 б.

